Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 8 (1072) • 2016-yil, 19-fevral, juma

Муносабат

## Дастур ижросини таъминлашга

### ҳар биримиз масъулмиз

Президентимиз томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг тасдиқланиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам катта вазифаларни юклайди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола дунёга келади".

Дарҳақиқат, асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган ушбу ҳақиқатни теран англаб, миллий қонунчилигимизни, хусусан, оналар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга оид нормаларни қайта кўриб чиқиб, уларнинг янада изчил ва самарали ишлаш механизмини кучайтиришимиз лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва халқ таълими масалалари давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб, мунтазам равишда ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Тиббиёт тизими қисқа фурсат ичида миллий моделнинг умумэътироф этилган халқаро андозаларига мос ҳолда шаклланди. Янгидан-янги замонавий шифо масканлари ва уларнинг бугунги кун талабига монанд ҳолда жиҳозланиши, инсонлар саломатлигини яхшилаш ва касалликларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, даволаш билан боғлиқ жараёнларга илм-фан ютуқларини кенг жалб этиш каби масалалар Бош қомусимизнинг олтин қоидаларида ўз ифодасини топди. Шубҳасизки, миллий ўзликни англаш, миллат генофондини асраб-авайлаш, сифатли ва кафолатли тиббий хизмат турларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи халқимизнинг эзгу мақсадлари йўлида хизмат қилмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида сўз юритганда, дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиётига тўхталмасдан бўлмайди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ушбу амалиётнинг самараси оналар ва дунёга келаётган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланаётганида, болаларнинг вазни кам ҳолатда туғилишининг олди олинаётганида намоён бўлмоқда.

2➢









## Ўзбекистон ёшлари

### ҳеч кимдан кам эмас



Мустақиллик йилларида муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида соғлом фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда спорт баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва кучли омили сифатида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, уни оммавий умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат натижасида бугун спортчиларимиз жаҳон ареналарида ўз она Ватани – мустақил Ўзбекистон номидан қатнашаётганидан қанчалик фахрланаётган бўлса, халқимиз ҳам уларнинг юксак ғалабаларидан шунчалик ғурурланмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида бу буюк мақсадга эришиш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг юксак самараларини ҳар қадамда, миллионлаб юртдошларимиз ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин. Мисол учун, биргина ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритган бўлса, ёш иқтидорли мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўлиб, уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўринга лойиқ топилди.

Президентимиз Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида барчамизга катта қувонч бағишлайдиган ва қалбларимизни чексиз ғурурга тўлдирадиган ана шундай ёрқин мисоллар, далиллар ва рақамлар келтирилди.

Таъкидлаш лозимки, бундай натижаларга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Уларнинг замирида катта меҳнат, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, кенг қамровли ва тизимли чора-тадбирлар мужассам.

Хусусан, мамлакатимизда ўтган йилларда уч босқичли спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада тадбирларининг ўтказилиши, шунингдек, 2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши билан ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Ўтган йиллар давомида мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан 1700 дан ортиқ спорт объектлари қурилиб, замонавий моддий-техник база ҳамда кадрлар билан таъминланди.

Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён ўтган 14 йил ичида эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқларни бирма-бир санаб ўтди.

Таъкидланганидек, бу борада, энг аввало, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида ёш авлодни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Буни тўғри англаган ота-оналар ҳам фарзандлари келажаги олдида юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, уларни спорт тўгаракларига ўзлари бошлаб бораётгани, айниқса, аҳамиятлидир.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Бундай мисоллар мамлакатимиз бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришганидан яққол далолат беради, албатта.

2➢

## Депутатлар Омбудсман

### ҳисоботини эшитдилар

Парламентда

Маълумки, парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг яқинда бўлиб ўтган мажлисларида Омбудсманнинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи алоҳида-алоҳида муҳокама этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳисоботи депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, уларга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ва давлат органлари вакилларининг ҳуқуқий онги ва хабардорлигини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш ҳисобот йилида Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб борилди. Омбудсман, шунингдек, парламентнинг назорат-таҳлил тадбирларида қатнашди. Очиқлик ва шаффофликни таъминлашда иштирок этиш, амнистия акти қўлланилишини мониторинг қилиш Омбудсман ва унинг ҳудудий вакиллари фаолиятида алоҳида ўрин тутди.

2➢

## Эркин ва хавфсиз мулоқот майдони

Тадбир




Янги технологиялар ва глобал тармоқ тобора инсонларни ўзига жалб қилмоқда. Замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш, албатта, яхши. Лекин бу қулайлик ортидан эса инсон руҳиятида ўзгаришлар, психосоматик касалликлар келиб чиқаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бугунги кунда компьютер, ноутбук, планшет, мобиль телефон сув ва ҳаводек зарур омиллар қаторидан жой олди. "Facebook", "iPhone", "Bluetooth" атамалари катта ёшлилар учун ҳам мавҳум тушунча саналмай қолди. Бу унсурлар кимларнингдир оғирини енгил қилаётган, ҳаётига мазмун ва завқ бағишлаётган бўлиши мумкин, аммо қулайликлар соясида кутилмаган зарарларни ҳам киритиб улгурмоқда. Энг ачинарлиси, инсон руҳиятига, маънавиятига салбий таъсир кўрсатилаётгани, мафкуравий жиҳатдан ёт ғояларни сингдирилаётганидадир.

3➢

***"Адолат" СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир пайтда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.***

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастуридан)

## ШҲТ минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга

### МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда жадал ривожланаётгани, тинчликпарвар сиёсати, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари туфайли халқаро миқёсда нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

7➢

Бугунги сонда:

Сиёсий майдонда йигирма бир йил



4

Талаб ва таклиф омили меҳнат бозорида муҳим



5

ҚАРЗ

Бериш савоб, аммо...



6

# Дастур ижросини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Она ва бола ўлими 3 баробардан зиёдга камайиши, шунингдек, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши эътироф этилгани фикримизнинг тасдиғидир. Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратилиши натижасида кам вазнли болалар фоизи 19 дан 5 гача, туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида охирги йилларда камқонлилик фоизи 60,0 дан 33,15 гача камайди. Эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликларининг рўйхатга олинмаганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шу боис, ҳужжатда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя мужассам этилганлигини кўрамиз.

Шунингдек, Давлат дастурида юқоридаги каби масалаларни янада ривожлантириш инобатга олинган бўлиб, асосий эътибор қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Яъни, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалалари олдимизга устувор вазифа сифатида қўйилмоқда.

Жумладан, янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик палатада аллақачон ишлар бошлаб юборилган. Жорий йилда ҳам Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишидан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланмоқда.



Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Бу борада, табиийки, тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Дастурда келтирилишича, 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунига қадар болаларга кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги уч йил давомида 960 мингдан зиёд чақалоқ ва қарийб 1 миллион 400 минг нафар ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Замонавий технологияга асосланган ультратовуш ҳамда биокимёвий усулларда амалга оширилган бундай текширувлар натижасида кейинги икки ярим йил ичида қарийб 35 мингга яқин боланинг нуқсонли ҳолатда туғилишининг олдини олишга эришилди. Агар ушбу рақам ортида минглаб ота-оналар, оилалар қувончи борлигини назарда тутсак, тизимда нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганлигини англаш қийин эмас. Амалий ишларни янада давом эттириш мақсадида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перинатал ультратовушли скринингдан ўтказиш, 13 та скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида муҳим вазифалар сифатида белгиланаётганлиги ҳам қувонарли, албатта. Буларнинг барчаси болаларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

Албатта, Давлат дастурига киритилган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, хусусан, биз депутатларнинг олдига ҳам масъулиятли вазифаларни қўяди. Бу ишларни янгича ташаббус ва сидқидилдан амалга ошириш, юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга мустаҳкам замин яратади.

# Депутатлар Омбудсман ҳисоботини эшитдилар

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар нормаларига қатъий мувофиқликда амалга оширилди. Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта орқали, шунингдек, «ишонч телефони» орқали, шахсан қабул қилиш ва жойлардаги учрашувлар давомида мурожаат этдилар.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва мансабдор шахсларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида Омбудсман ҳисобот йилида бир қатор ахборот-маърифий тадбирлар – семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказди, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни ташкил этди, ноширлик фаолиятида иштирок этди.

Савол-жавоблардан кейин Омбудсман ҳисоботининг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси вакиллари партиянинг Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда давлат фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Биринчи навбатда, ижтимоий адолатни таъминлаш, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, малакали тиббий хизмат ва таълим олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, қулай турмуш шароитларини яратиш бўйича ишларни янада такомиллаштириш зарур.

Шу билан бирга, фракция вакиллари ҳисобот йилида келиб тушган такрорий мурожаатларнинг сонига эътибор қаратдилар. Шу сабабли Омбудсманга давлат органлари ва бошқа органлар билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш орқали шу каби мурожаатларнинг сонини қисқартиришга эришиш таклиф этилди. Бу давлат тузилмалари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Шуҳрат ЯКУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:**

— Омбудсман ҳисоботини муҳокама қилиш жараёнида партиямиз электорати манфаатлари, Сайловолди дастуримизда илгари сурилган ғоялар ва устувор йўналишлардан келиб чиқиб, аввалгидан фарқли равишда биз фақат ижобий кўрсаткич ва эришилган натижаларга эмас, балки келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларга фойдаланилмаган имкониятларга эътибор қаратдик.

Жумладан, Омбудсманга келиб тушаётган мурожаатлар кесимида электрон мурожаатлар сони йилдан-йилга камайиб бораётганини кузатиш мумкин. Ахборот-коммуникация тизимларининг жадал ривожланаётганлиги, ахборот алмашинувининг асосий қисми электрон тартибда амалга оширилаётганлиги ҳамда мурожаат қилувчи шахслар учун бу қулай, тезкор ва арзон эканлигини инобатга оладиган бўлсак, Омбудсманнинг расмий веб-сайтини янада модернизация қилиш, хусусан, соддалаштирилган электрон тартибда мурожаатларни қабул қилиш дастурлари йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, Омбудсман фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишда ҳам фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Бизнинг фикримизча, бу борада Омбудсманнинг фаолияти, унинг "ишонч телефони" ҳақида видеороликлар тайёрлаш ва эфирга узатиш ижобий самара беради. Бу айнан "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридаги мақсад ва вазифаларга ҳам мос келади.

Депутатларимиз томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилди. Хусусан, жойларда инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда, парламент назоратини амалга оширишда депутатлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда депутатлар сайловчилар билан учрашиш учун ўз сайлов округига борган вақтда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши, сайловчилар учун махсус қабуллар ташкил этиши лозим. Бу жойлардаги айрим муаммоларнинг ҳудудлар кесимида ҳал этилишига хизмат қилади.

**Шуҳрат ПОЛВОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:**

— Тақдим этилган ҳисоботга кўра, Омбудсман томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини мониторинг ва ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлиб, мурожаатлар фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва экологик ҳуқуқлар доирасида чуқур таҳлил қилинган.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилиши билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиш, бу борада назорат-таҳлил фаолиятини ҳам янада кенгайтириш, ўз навбатида, Омбудсманнинг фаолияти янада тараққий этишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Қонунчиликда белгиланган амалиётга кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳисоботи Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида эшитиб келинаётгани Омбудсман фаолиятининг асосий принциплари бўлган қонунийлик, адолатлилик демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир инсон учун очиқлик принципларига риоя этилишини таъминлаб бориш, Вакил фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган.

Шунга кўра, Вакил ҳисоботи юзасидан Олий Мажлис палаталари мажлисларида берилган тавсия ва таклифлар юзасидан амалга оширилган тадбирлар хусусида палаталарга расмий маълум қилиниши Омбудсман фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Омбудсман фаолиятида партиямизнинг асосий электорати ҳисобланган – юқори малакали ишчилар, илмий-техник ходимлар, шифокорлар ва таълим соҳаси вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эътиборни янада кучайтириш зарур. Мазкур соҳада фаолият кўрсатадиган тузилмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини тизимли мониторинг қилиш соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича муайян таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлади.

Ҳар томонлама муҳокама қилиш давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Ялпи мажлисда Қонунчилик палатасининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири**



ЎзА олган суратлар

# Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас

Давоми. Бошланиши 1-бетда



**Алишер ШАДМАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Йиғилишда Президентимиз бундан 10 йил илгари ўғил-қизларимиз спортнинг 43 турдаги машғулотларига қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида эканлигини эътироф этиб ўтди.

Бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани биз эришган энг муҳим натижалардан бири сифатида барчамизни қувонтиради.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш, улар учун аёл спорт мураббияларини тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталар экан, қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлишини, оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлишини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарурлигини таъкидлади.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, ўтган йилларда болалар спортини ривожлантириш, келажак авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар доирасида бу борадаги ҳуқуқий асослар босқичма-босқич мустаҳкамлаб борилди. Соҳага доир қонунчиликнинг жойлардаги ижроси чуқур ўрганилди.

Хусусан, 2015 йилда қўмитамиз томонидан Самарқанд вилоятида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуннинг ижро этилиши устидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Ўрганишлар натижасида маълум бўлишича, ўтган йилда ёшлар, жумладан, қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида вилоятда спортга жалб этилган фуқароларнинг 83 фоизини ёшлар, уларнинг 40 фоизини эса қизлар ташкил этишган.

Шунингдек, маҳаллий шароитларда жисмоний тарбия ва спорт товарлари ишлаб чиқарилишига кўмаклашиш доирасида вилоятда 47 турдаги спорт жиҳозлари ва ускуналарига ихтисослаштирилган 4 та, спорт кийимларига мўлжалланган 2 та корхона фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга молик. Зеро, Президентимиз ўз маърузасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.

Қолаверса, ўтган йили "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонунда аҳоли, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини яратиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими, замонавий ҳамда самарали спорт инфратузилмасини такомиллаштириш, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш, терма жамоаларни шакллантириш учун зарур шароитлар яратишга доир талабларни жорий қилишга қаратилган қоидалар белгиланди.

Йиғилишда соҳада амалга оширилиши лозим бўлган галдаги вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, бу борадаги мавжуд моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари асосида янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига спортга бўлган меҳрнинг чуқур кириб боришига эришиш энг муҳим, доимий вазифамиз бўлиб қолиши кераклиги алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг маърузасини тинглаб яна бир бор соҳага доир қонунчиликни мустаҳкамлаб бориш, жойларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳудудий дастурларни амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишни зиммамиздаги энг масъулиятли вазифалардан бири сифатида чуқур ҳис этдик.

Мухтасар айтганда, спортга давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор ёшларни жисмонан соғлом этиб тарбиялашга, уларнинг қалбида ватанпарварлик, ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиришга, келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бунинг самарасида юксак мақсадлар сари курашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон аҳлига Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлаб берадиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етавериши шубҳасиз.

# Интернет маданияти ва

## ахборот хавфсизлигини таъминлаш – муҳим вазифамиз

➢ **Огоҳлик**

**Ахборот-коммуникация технологиялари кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида ёш авлод таълим-тарбиясида интернет тармоғининг роли тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.**

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда дунё аҳолисининг 42 фоизи, яъни 3 миллиард 200 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда. Ахборот асрининг дастлабки ўн йилликларида бу қадар ривожланган глобал тармоқдан бизнинг юртимизда ҳам фойдаланувчилар сони сўнгги йилларда ўн бараварга ортди.

Тўғри, тез ва арзон ахборот олиш, уни қайта ишлаб, етказиб беришда интернетга тенг келадиган манба топилмайди. Аммо бу борадаги ютуқларимизни холис баҳолаган ҳолда, глобал тармоқда ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам талайгина эканлиги жиддий эътибор талаб қиладиган масалалардан биридир.

Бугун дунё ягона ахборот маконига айланган интернет орқали, айниқса, ёшлар онгини заҳарлашга, уларда худбинликни, катталарга, шу жумладан, ота-онага ҳурматсизликни шакллантиришга, зўравонлик, ҳаёсизлик ва фаҳшни тарғиб қилишга қаратилган ахборотлар кириб келаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шу нуқтаи назардан ҳам интернет тармоғидан фойдаланувчи ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, тўғри йўл кўрсатиш ҳамда уларда халқаро тармоқ орқали кириб келаётган салбий ғояларга қарши иммунитетни кучайтириш тобора долзарблашиб бормоқда.

Психологларнинг фикрига кўра, аҳолининг фақат 15-25 фоизи ахборотни танқидий нуқтаи назардан ўзлаштиришга қодир, қолган 75 фоиз одамлар эса олинган ахборотнинг таъсирига шундайлигича берилиб кетади. Бунинг оқибатида оммавий ахборотнинг ҳозирги замон воситалари ва усуллари жамият бошқарувига таъсир этмай қолмайди.

Бугунги кунга келиб дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирга эга бўлишнинг энг мақбул йўли, ҳар қанча маблағ талаб этилишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеини эгаллаш экани аён бўлиб қолди. Ҳозирда жаҳон бўйлаб "ахборот уруши" кетаётганини ҳатто оддий одамлар ҳам пайқаши қийин эмас. Мана шу қўштирноқ ичидаги ахборот урушидан, фарзандларимизнинг онгини заҳарлашга, шу йўл билан миллий қадриятларимизга путур етказиш мақсадида қилинаётган ҳаракатлардан воқиф бўлишимиз, уларни сақлаб қолишимиз, ахборий таҳдидларни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга солган ҳолда изчил курашмоғимиз лозим.

Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида баён қилинганидек, "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин".

Шундай экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш ҳаммамизни ўйлантириши шарт. Интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди.

Ёшларнинг ахборот оқимига муносабатини шакллантириш ақл-идрок, тафаккур тарбиясининг бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар таълим-тарбия бериш жараёнида ёшларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтириши, фикрларни ўзаро таққослашга, турларга ажратишга ўргатиши лозим. Чунончи, Конституциямизнинг 64-моддаси ва Оила кодексининг 65-моддасига биноан, ота-оналар зиммасига ўз фарзандларини тарбиялаш, ривожлантириш, уларнинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти юкланган. Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларнинг содир бўлаётгани эса ўз-ўзидан эҳтиёткорликни янада ошириш, масалага янада чуқурроқ ва жиддий ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188[2]-моддасида вояга етмаган шахсларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига йўл қўйиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган. Дарҳақиқат, ёшларнинг тунги вақти клубларда эмас, оила аъзолари, яқинлари даврасида ўтишини таъминлаш, бу борада оилада ота-она, маҳалла, ёшлар ва жамоат ташкилотлари масъуллигини янада кучайтириш, келажак авлодни одобли, билимдон, оқил, маънавиятли, етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Қонунчилигимизда зўравонлик ва фаҳшни тарғиб қилишга қаратилган жавобгарликлар киритилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Эндиликда зўравонлик ва порнографияни тарғиб қилувчи фильмларни, видеолавҳаларни, фотосуратларни ва бошқа материалларни Ўзбекистонга олиб кириш ёки тайёрлаш, уларни тарқатиш, намойиш қилиш, томоша қилиш ва тарғиб қилиш учун маъмурий жазо чоралари белгиланди. Агар шу каби ҳолатлар такрорланса, қонунбузарнинг жиноий жавобгарликка тортилиши қонун нормалари билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу нуқтаи назардан, ёшларни нафақат янги технологияга ўқитиш ва улардан фойдаланиш қобилиятини шакллантириш, айни чоғда ана шундай технологияларни яратиш ва такомиллаштиришда уларнинг кенг иштирокини таъминлаш ҳам устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Бир сўз билан айтганда, дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар барчамиздан ёшлар тарбиясига янада эътиборлироқ бўлишни тақозо этмоқда. Ёшларимизни интернет ресурсларидан тўғри фойдаланишга, маънавиятимизга, одоб-ахлоқимиз ва урф-одатларимизга, қадриятларимизга зид бўлган ахборотларни инкор этишга, ёмон ва яхши ахборотни ажрата олишга ундаб, уларда ахборот олиш ва таҳлил этиш маданиятини муттасил шакллантириб боришимиз зарур. Ушбу жараёнда эса нафақат давлат ташкилотлари ёки таълим муассасалари, балки ННТлар ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши бугунги кун талабидир.

Шу мақсадда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан қатор мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида амалиётга жорий қилиб келинмоқда. Жумладан, партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида таълим муассасалари ва маҳаллаларда ёшлар иштирокида "Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий жараёнлар" мавзусида туркум давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ноанъанавий усуллар, интерфаол услублардан фойдаланилаётгани, мавзуга доир видеофильмлар намойиш этилаётгани ушбу тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминламоқда.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, бугунги ёшларни интернет оламида хорижий информацион саҳифалар қаторида ижтимоий тармоқлар ҳам кўпроқ қизиқтирмоқда. Таҳлилларга кўра, бугун хорижий ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи юртдошларимиз сони беш миллиондан ортиқ, миллий ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари эса 182 000 дан зиёдни ташкил қилмоқда.

Табиийки, хорижий порталларга кирувчи ёшлар миллий менталитетимизга зид, ўзбекона тарбияга тўғри келмайдиган ахборотлардан ҳимояланмаган. Шу сабабли, бу борадаги энг мақбул ечимлардан бири миллий доменда, ўз тилимизда, фойдали маълумотлар тақдим этувчи майдон яратишдир.

Айни шу мақсадда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон "Адолат" СДП расмий сайтида ёшларнинг мулоқот қилиш учун Форум ташкил этилгани эътиборга моликдир. Форумга аъзо бўлган сайт ўқувчиси юртимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, долзарб масалалар устида фикр юритиш, баҳслашиш, ечимини кутаётган муаммоларни ўртага ташлаш, бир-бирларининг тафаккур булоғидан сув ичиш имкониятига эга бўлади.

Дарҳақиқат, партиямиз Сайловолди дастурида ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари фаолияти борасида маълумотлар билан кенг таъминлаш, бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобот бериб бориш тамойиллари илгари сурилган. Шунингдек, партиямиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш тарафдори ҳисобланади. Ушбу Форумни ташкил этишда ҳам мазкур дастурий вазифаларимизни амалиётга татбиқ этиш мақсади кўзланган. Бу орқали биз халқ билан янада яқин бўлиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш имкониятига эга бўляпмиз, ўз навбатида, партиямиздан сайланган депутатлар Форумда кўтарилган мавзуларни кўздан кечириб, ҳудудларда қандай ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини ўрганмоқдалар.

Миллий доменда ижтимоий тармоқ ва мулоқот ойналарини очиш тажрибаси юртимизда аввал ҳам қўлланилган. Бунга uforum.uz ва muloqot.uz порталларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу форумларда умумий мавзу ва масалалар муҳокама этилса, forum.adolat.uz да ижтимоий-сиёсий ва партиявий мавзулар етакчилик қилади. Шу жиҳатдан унда ихтисослашув мавжуд, дейиш мумкин. Қолаверса, "Адолат" СДП расмий сайтида интерактив мезонларга катта ўрин ажратилган. Жумладан, "Онлайн депутат" лойиҳаси, "Ҳуқуқий маслаҳат" хизмати сайт ўқувчилари ва кенг жамоатчиликнинг партияга нисбатан ишончи ҳамда хайриҳоҳлиги ортишига туртки бўлмоқда.

Ушбу лойиҳа, айниқса, сайловчи ва депутат ўртасидаги масофани қисқартириб, кенг жамоатчиликни партия ҳаётига яқинлаштиради, саволларга қисқа фурсатда, аниқ ва лўнда жавоб олиш шароитини яратади. Шу билан бир вақтда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ўзини қизиқтирган саволларга мутахассислардан аниқ ва асослантирилган жавоблар олиш имкониятини яратади. Пировардида сайтимизнинг янги саҳифалари ҳаётни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун асосий ахборот манбаига айланиб бораётган интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун ҳам хизмат қилади.

**Абдукамол РАХМОНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**



# Эркин ва хавфсиз

## мулоқот майдони

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши томонидан *"Глобал тармоқда миллий мулоқот майдони – ёшларни ахборот хуружларидан асраш омили"* мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ҳам шу ҳақида сўз юритилди. Унда партиянинг Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида партиянинг расмий сайти – **www.adolat.uz** сайтида ташкил этилган Форум – **forum.adolat.uz** нинг тақдимот маросими ўтказилди. Иштирокчиларга Форум орқали юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ислоҳотлар жараёнларига ўз муносабатини билдириш, долзарб масалалар устида фикр юритиш, ечимини кутаётган муаммоларни ўртага ташлаш имконияти мавжудлиги батафсил тушунтирилди. Ушбу лойиҳа сайловчи ва депутат ўртасидаги масофани қисқартириб, кенг жамоатчиликни партия ҳаётига яқинлаштириши, саволларга қисқа фурсатда, аниқ ва лўнда жавоб олиш шароитини яратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Шу кунга қадар Форумда 32 та мавзу очилган бўлиб, уларда 200 дан ортиқ таклиф-мулоҳаза қолдирилган. Рўйхатдан ўтган 59 нафар аъзога эга. Албатта, бу рақамлар ҳозирча озчиликни ташкил этади. Форумга қизиқувчилар сафи кенгайса, иштирокчилари, мавзу ва билдириладиган фикрлар сони ўз-ўзидан ошиб бораверади.

Ёшларнинг қизиқишлари ва интилишлари ранг-баранглиги ҳисобга олинган ҳолда Форумда турли бўлимлар очилган: "Долзарб мавзу", "Тиббиёт", "Компьютер дастурлари", "Автомобиллар", "Санъат", "Спорт", "Оила" ва "Фарзанд тарбияси". Ушбу бош мавзулар таркибидаги "Ҳуқуқий маданият", "Партияга аъзо бўлиш нима беради?", "Ички йўллар ҳақида", "Касб жинс танлайдими?", "Депутатлар фаолияти" каби кичик мавзулар ёшлар ўртасидаги қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлмоқда.

Партия сайтида "Партияга онлайн аъзо бўлиш" хизмати йўлга қўйилган бўлиб, унда фуқаролар аризанинг электрон вариантини тўлдириш орқали аъзо бўлиш истагини партиянинг жойлардаги ташкилотларига билдирадилар. Агар бу борада у ёки бу муаммо юзага келса, фуқароларнинг аъзо бўлишга оид хоҳишлари вақтида қондирилмаса, Форумдаги "Партияга аъзо бўлишда муаммо юзага келдими?" мавзуси орқали шикоятларини баён этиши мумкин.

"Шу вақтгача бир қанча ижтимоий тармоқларга аъзо бўлганман, жумладан, инглиз ва рус тилларидаги Форумларда иштирок этганман. Лекин "Адолат" партиясининг сайтида ташкил этилган Форум менда ўзгача таассурот қолдирди, – дейди партиянинг "Ёш адолатчилар" қаноти аъзоси Анвар Эгамқулов. – Айниқса, ундаги партиядан сайланган депутатларга савол йўллаш имконияти, тенгдошларим билан фикр алмашганимиз ва турли мавзуларда ўзаро баҳсга киришганимиз манзур бўлди. Албатта, Форумни такомиллаштириш йўлида яна бир неча вазифаларни бажариш, замонавий талабларга жавоб беришга ҳаракат қилиш керак. Бу йўлда биз, ёшлардан фаоллик ва жонбозлик талаб этилади".

Тадбир иштирокчиларида мазкур Форум катта қизиқиш уйғотди. Ёшлар партиянинг янги лойиҳаси бўйича ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар. Форумни ривожлантириш ва фаолликни ошириш бўйича мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдириб, партия вакиллари билан фикр алмашишди.

**Дурдона АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП матбуот хизмати ходими**

➢ **Фаолият**

**Маълумки, аҳоли турмушининг сифат даражасини яхшилаш, ҳар бир оила учун муносиб яшаш шароитлари яратилишига эришиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли мезонларини қарор топтириш орқали жамият фаровонлигини таъминлаш "Адолат" СДП дастуридаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Хўш, Самарқанд шаҳрида партиянинг ҳудудий ташкилоти томонидан шу йўналишда қандай фаолият юритилмоқда?**

# Ижтимоий лойиҳалар

## электорат манфаатларига йўналтирилмоқда




Даставвал шуни таъкидлашим лозимки, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд ҳудудий бўлинмаси ва бошқа қатор дахлдор ташкилотлар томонидан ўтказилган сўровлар натижасига кўра, партиянинг электорат манфаатларига бевосита йўналтирилган ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари кенгайган. Таклиф этилган лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, ижрони назорат қилиш кучайган. Партиянинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органидаги депутатлик корпуси самарали фаолият юритмоқда.

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда биз 22 та ижтимоий лойиҳани амалга оширишни ўз иш режамизга киритиб олганмиз. Бу электорат вакиллари кутаётган ва ижро талаб қилаётган энг долзарб масалалардир. Хусусан, ярим миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарда экологик мутаносибликни таъминлаш, санитария, коммунал-ободонлаштириш идоралари ишини такомиллаштириш, саноат корхоналарини диверсификациялаш ва модернизациялаш орқали даромадли иш ўринларини кўпайтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва ҳоказолардир. Ўтган йили иш режасига киритилган ана шу лойиҳалардан 8 таси муваффақиятли амалга оширилди.

Шаҳар партия кенгашимиз электорат манфаатларига жавоб берадиган ҳар битта масалани депутатлик корпуси билан биргаликда пухта муҳокама қилишга одатланган. Ана шундай муҳокамалар натижасида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясига "мактаб ўқувчиларининг кийиниш маданиятини янада яхшилаш ва таълим масканларида асоссиз равишда ортиқча маблағлар тўплашнинг олдини олиш чора-тадбирлари" тўғрисидаги масала депутатлик гуруҳимиз томонидан сессия муҳокамасига киритилиб, шу юзасидан қабул қилинган сессия қарори амалиётга йўналтирилди. Зеро, ўқувчилар ўртасида ижтимоий тенгликни таъминлаш тарбиянинг бош омилидир. Ўқувчининг турли бичимдаги қимматбаҳо либосларни кийиб, ташқи кўриниши билан ўз тенгқурларидан устунлигини намойиш этишга интилиши тарбия учун салбий ҳолат. Демак, тарбияда арзимас нарсанинг ўзи бўлмайди.

Шу ўринда эътиборга молик яна бир ижтимоий лойиҳа ҳақида фикр юритсам. Ўтган йили "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан ўтказилган "Кексаларни эъзозлаш муқаддас бурчимиздир" акцияси доирасида ёши улуғ кишиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида давлат идоралари вакиллари билан биргаликда жойлардаги аҳвол ўрганиб чиқилди ва амалий ишлар қилинди.

Самарқанд шаҳридаги "Саховат уйи"да яшаётган 140 нафар отахон ва онахонлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бир қаторда улар учун махсус ажратилган жамоат транспортида шаҳарнинг тарихий обидалари бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Ҳар сафар ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш ёки долзарб муаммони ҳал этишда, жамоатчилик назоратини ўтказишда партиянинг бошланғич ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Чунки электорат вакиллари билан доимий муносабатда бўлиб турадиган, ижтимоий муаммолардан энг аввал хабар топадиганлар – БПТлардир. Бугун "СамАнтепгилам" қўшма корхонаси, Самарқанд темирйўл вокзали, "Боғбонлар" маҳалласи, 1-сон болалар шифохонаси ва бошқа кўплаб ташкилот, муассасаларда тузилган БПТлар шаҳар партия кенгашидан зарур сиёсий йўналиш олиш билан бирга, ўз навбатида, кенгашга керакли фикр ва таклифлар ҳам бераяпти. Бунинг натижасида партиянинг жойлардаги ижтимоий масалалардан хабардорлиги кучайиб, аниқ таклифлар асосида қарор қабул қилиш имконияти кенгаймоқда.

Қуйи партия ташкилоти фаолияти учун яна бир муҳим жиҳат – ижрони назорат қилиш, ҳисобдорликни таъминлаш, деб биламан. Биз кенгашимиз йиғилишларида депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб борамиз. Хусусан, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатларидан Ғ.Раҳимов, Д.Саъдуллаева, Ш.Рашидовларнинг яқинда муҳокамага киритилган ҳисоботлари сиёсий фаолият учун янги йўналишлар очиб берди десам, хато бўлмайди. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини депутатлик фаолиятида қўллаш амалиётига бағишлаб ўтказилган сиёсий ўқув ҳам, айтиш мумкинки, ўз самарасини бераяпти. Натижада депутатларимиз ижтимоий муаммоларга шаҳар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда чуқурроқ назар соладиган ва асосли таклифлар билан чиқадиган бўлишди.

**Умуман олганда, "Адолат" СДПнинг Самарқанд шаҳар кенгаши аҳоли фаровонлиги ва ижтимоий тараққиёт учун ҳар қандай ташаббускорликни астойдил қўллаб-қувватлаган ҳолда янги мазмунли лойиҳалар билан ислоҳотларга куч бағишлашга интилмоқда.**

**Манзура РОЗИҚОВА,**
**Самарқанд шаҳар кенгаши раиси**

# Сиёсий кучнинг таянч бўғини

**➢ БПТ нималарга қодир!**

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун билимдонлик ва ташаббускорликнинг ўзи камлик қилади. Фақат амалий ишлар орқалигина партия ғояларини самарали тарғиб қилиш мумкин. Чунки, қуйи бўғин партияни халқ билан боғлайдиган, унинг ғоявий мақсадларини тарғиб қилишдаги етакчи бўғиндир. Уларнинг фаолиятини намунали ташкил этиш билан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.



Ана шундай масъулиятни теран ҳис этган сирдарёлик фаоллар партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини жойларда кенг тарғиб қилишда муайян ютуқларга эришмоқдалар. Натижада қуйи тузилмаларда тарғибот ишлари бирмунча кучайгани кўзга ташланмоқда. Буни Гулистон шаҳридаги БПТлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

892 нафар аъзони бирлаштирган Гулистон шаҳридаги қуйи бўғинлар фаоллари жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган фаол, сиёсий етук аъзолар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Сирдарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси қошида ташкил қилинган БПТ ана шундай фаол бўғинлардан биридир.

Кўплаб маслакдошларимиз фаолият юритаётган мазкур шифохонада 2015 йилда вилоят бўйича жами 36 мингта яқин аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 10 минг нафарга яқини болалар, минг нафарга яқини ўсмирларни ташкил этади. Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари диспансеризациядан ўтказилди. "Ҳеч ким меҳрдан четда қолмасин" шиори остида 500 нафарга яқин фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулардан 30 нафардан ортиғи стационар шароитда даволашга юборилиб, соғломлаштирилди. Мазкур муассаса томонидан туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида офтальмологик хизматга амалий ёрдам кўрсатилиб, маҳорат дарслари ҳам ўтказиб келинмоқда. Йил давомида фертиль ёшидаги 1200 нафардан зиёд аёллар тиббий кўрикдан, 4600 дан зиёд болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, туғма касалликлар аниқланган болалар диспансер назоратига олинди.

Инсон соғлиғи ҳар нарсадан муҳим. Ёруғ оламни кўришдай бебаҳо неъматдан энг нозик аъзо бўлган кўз орқали баҳраманд бўламиз. Ёш ўтгани сайин кўз нури пасайгани боис кексаларда кўз касалликларига мойиллик ортади. Шундай пайтда уларга малакали шифокорларнинг ёрдами зарур, албатта.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида кекса ёшдаги ўнга яқин беморларга бепул сунъий кўз гавҳари қўйилди, глаукома хасталигига чалинган 19 нафар кекса ёшдаги бемор шифохонада бепул даволанди.

Муассасада замонавий янги технологиялар амалиётга жорий этилиб, улар ёрдамида ташхис қўйиш ва даволаш усуллари қўлланилаяпти. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида ультратовушли сканер, ультратовушли биомикроскопия, глаукомада лазер жарроҳлиги, иккиламчи катарактада лазер жарроҳлиги амалиётидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Сафдошларимиз ана шундай масъулиятли касбда ишлаш билан бирга бошланғич партия ташкилотига бирлашган ҳолда ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатишмоқда. Сиёсий куч фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тарғибот ишларида қуйи бўғинлар алоҳида ўрин тутишини чуқур англаган БПТ аъзолари шу йўналишдаги ҳар бир тадбирнинг таъсирчанлигини оширишга астойдил интилмоқда. Бу эса маслакдошларимиз сафини кенгайтиришда ижобий самара бераяпти.

"Ҳуқуқий маданият оилада шаклланади", "Ёшлар тарбиясига барчамиз масъулмиз", "Тинчликни қадрлаш она юртни асрашдир", "Депутат — сайловчиларнинг ишончли вакили", "Инсон манфаати — олий қадрият", "Репродуктив саломатлик ва оилалар мустаҳкамлиги" каби ўнлаб мавзуларда аҳолининг турли қатламлари ўртасида ўтказилаётган тадбирлар қизғин фикрлашув, самимий мулоқотлар тарзида олиб борилмоқда.

— Партиямиз мавқеини янада кучайтириш дастурий мақсад ва вазифаларимизни нафақат кенг тушунтиришни, балки уларни амалга оширишда қонуний тартибларда назорат олиб бориш, бу ишларга партия аъзолари, фаолларини кенг жалб этишни ҳам тақозо этади, —дейди вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош ҳамшираси, БПТ раиси Руқия Эсонова. — БПТ фаолияти қониқарли даражада бўлмаган жойда партия ўз электоратидан узилиб қолаверади. Қуйи бўғинда етакчиларнинг одамлар билан ишлаш кўникмасини мустаҳкамлаш орқали партиямизга хайрихоҳликни ошириш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишда аниқ натижага эришиш мумкин.

Муассасамиз қошида БПТ ташкил этилганида аъзоларимиз 12 нафар эди, ҳозирда улар сони қирқ нафарга яқин. Бундан ташқари, партия аъзолигига кириш истагида бўлган ёшлар ҳам кўпайиб бораётгани қувонарлидир.

— "Соғлом она ва бола йили"да масъулиятимиз янада ошди, — дейди вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Расул Каримов. — Шуни таъкидлаш жоизки, соғлом авлодни тарбиялашдек жуда муҳим соҳада ҳаётнинг ўзи янги-янги вазифаларни қўймоқда. Хусусан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар долзарб бўлиб келмоқда. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, бу ишни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтиришни тақозо қилади. Биз шу жараёнда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда туман партия кенгаши, маҳаллий Кенгашдаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда фаолроқ ишлашимиз керак.

БПТлар жамиятда шаклланаётган қарашларга янада фаол таъсир кўрсатиши, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида сиёсий кучнинг таянч бўғини сифатида муносиб иштирок этиши, ижтимоий муаммолар ҳал қилинишига кўмаклашишлари зарур. Улар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, социал-демократик ғояларни тарғиб этишда Ўзбекистон "Адолат" СДП ва электорат ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

**Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,**
**Гулистон шаҳар кенгаши раиси**

**➢ Депутат ёшлар ҳузурида**

Жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ислоҳотларни изчил амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни, қонун ижодкорлиги, маҳаллий Кенгаш депутатларининг вазифалари тўғрисида ёшларга тушунчалар бериб бориш уларни ўз мустақил фикрига эга, жамият ҳаётининг фаол иштирокчиси қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

# Ҳуқуқий тарбиянинг яхшиланиши

## *ижтимоий-сиёсий фаолликни оширади*

Шу мақсадда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бир қатор лойиҳаларига мувофиқ партиянинг қуйи ташкилотларида аниқ режалар асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Чимбой туман партия кенгаши ташкилотчилигида Чимбой педагогика коллежида партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбир "Депутат ва ёшлар" мавзусига бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига партиямиздан сайланган депутат Бекполат Давлетмуратов ва халқ депутатлари Чимбой туман Кенгаши депутати Азамат Сулайманов коллеж ўқувчилари билан учрашдилар.

— Мамлакатимизда барча соҳалардаги ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишлар инсон ва унинг манфаатлари, келажаги учун, деган юксак мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда, — деди Азамат Сулайманов. — Жумладан, ёшларга оид қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани эришаётган улкан ютуқларимизда ёрқин акс этмоқда. Юрт ишонган, таянган баркамол авлод вояга етаяпти.

Шунингдек, Б.Давлетмуратов ёшларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганига эътибор қаратиб, ҳозирги глобаллашув шароитида бу жиҳатлар, айниқса, муҳим эканини таъкидлади.

Албатта, ҳар томонлама кенг имкониятлар замонида яшаётган бахтиёр ёшлар бундай имкониятлардан ўз вақтида ва оқилона фойдаланиши, тинчлик-осойишталикни қадрлаб, уни асраб-авайлашга масъуллик ҳисси билан ёндашишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Бекполат Давлетмуратов қонун ижодкорлиги, кейинги йилларда миллий қонунчилигимиздаги янгиланишлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди. Хусусан, "Экологик назорат тўғрисида"ги ва "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар ҳақидаги мулоҳазалар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини, уларнинг фуқароларимиз турмуш тарзи, ёшлар ҳаётидаги аҳамиятини содда ва оддий қилиб тушунтириш жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ижобий таъсир қилади. Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбиянинг яхшиланиши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларда юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини оширади.

Очиқ ва эркин мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби**

# Сиёсий майдонда *йигирма бир йил*

## ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва халқ ишончи йўлида

**➢ 18 февраль — Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил топган кун**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида партия ташкил этилган кун муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фахрийлар ва фаоллар иштирок этишди.

Тадбирда "Адолат" СДПнинг мамлакатимиз сиёсий майдонига кириб келиши, олдига қўйган мақсадлари, ривожланиш йўли ҳақида сўз юритилиб, ўтган йиллар мобайнида партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ишлар, эришилган ютуқ ва камчиликлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП йил сайин халқ орасида нуфузи ортиб, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда. Партия ташкил этилган 1995 йилда 3 минг нафар аъзога эга бўлган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 116 мингга яқинни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида партия ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг барчаси зарурий жиҳозлар билан таъминланган офисларига эга. Яъни, туман, шаҳар миқёсида 194 та партия кенгашлари мавжуд бўлиб, улар қошида 3374 та бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бу каби ижобий кўрсаткичлар орқали партиямизнинг ҳаётбахш ғояларига тарафдорлар, хайрихоҳлар йилдан-йилга ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат, айниқса, 2014 йилнинг декабрида парламент ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар натижасида яққол намоён бўлди. Ушбу сайловларда иштирок этиш орқали Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнини янада мустаҳкамлади.

Хусусан, 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатисида 20 нафар депутатдан иборат партия фракцияси шакллантирилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 108 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 726 нафар депутатлар сайланиб, маҳаллий ва ҳудудий Кенгашларда жами 142 та партия депутатлик гуруҳларини тузишга эришилди. 2009 йилги сайловга нисбатан маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз сони 178 фоизга кўпайганлиги, айниқса, аҳамиятлидир.

Давра сухбатида партиянинг истиқболдаги режалари хусусида сўз юритилар экан, "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони, адолат – ҳар бир инсон учун" деган бош ғояга асосланган Сайловолди дастурни ҳаётга кенг татбиқ этиш йўлида партиянинг ҳар бир депутати, ҳар бир фаоли жонкуяр, фидойи ва ташаббускор бўлиши, партия тарихида ўзидан яхши ном, ибратли ишлар қолдириши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчилар сиёсий партиялар фаолиятига доир қонун ҳужжатлари ва уларнинг такомиллаштирилиши, партиянинг ёшлар сиёсати, "Аёллар қаноти" фаолларининг амалий ишлари, галдаги режалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Тадбир сўнггида "Адолат" СДПнинг фахрийлари ва бир гуруҳ фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

**Шу билан бирга, Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил этилган кун муносабати билан ҳудудий кенгашларда ҳам давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказилди.**

**Хусусан, Қарши шаҳридаги туризм ва маданият коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят, Қарши туман кенгашлари ташкилотчилигида "Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида "Адолат" социал-демократик партиясининг тутган ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, тиббиёт ходимлари, ўндан ортиқ маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этишди.**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**матбуот хизмати**

**➢ Семинар**

Жиззах политехника институтида Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан "Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси янги ғояларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, БПТлар раислари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.



# Талабалар *янги ғоялар билан*

Семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда олий ўқув юртларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб, уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Тадбирда Жиззах политехника институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Н.Алимов энергетика иқтисодиёт таянчи эканини таъкидлаб, бу борада замонавий технологиялардан фойдаланиш, янги инновацион лойиҳаларни яратиш мақсадида институтда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

Институтнинг "Энергетика" кафедраси катта ўқитувчиси М.Анорбоев иқтисодиётга энг муҳим замонавий фан-техника ютуқларини татбиқ этган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқариш, таълим жараёнида илғор инновацион ғоялар шаклланишининг омиллари, илғор технологиялардан фойдаланиш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратишнинг долзарб аҳамиятига эътибор қаратди.

"Саноат технологиялари" факультети талабаси Лазиз Баратовнинг светофорларга шамол генераторларини ўрнатишнинг қулайликларига доир лойиҳаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Лойиҳамнинг қулайлиги шундаки, шамол генераторлари светофорларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш билан бир қаторда автоҳалокатлар сонини бирмунча камайтиради, сарфланадиган электр қувватини тежайди, — деди Л.Баратов.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар талабаларни ўз устида ишлашга, янги ғоя ва лойиҳалар билан чиқишга ундамоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Адолат" СДП олий ўқув юртларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш, олий ўқув юртларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Семинар-тренинг қизғин фикрлашув, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Унда фаол қатнашган иштирокчилар партиянинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нигора ЖЎРАЕВА,**
**Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

# Иқтисодий салоҳиятни юксалтириш йўлида

**➢ Инновацион лойиҳалар амалиётга**

Бугун юртимизнинг қай гўшасида бўлманг, қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, халқимизнинг узоғини яқин қилишга ёрдам бераётган миллий автомобилларимизга кўзингиз тушиб, дилингиз қувнайди. Салкам 20 йилдан буён "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида фойдаланувчиларга етказиб берилаётган бундай автомобиллар нафақат юртимизда, балки кўплаб чет давлатлар автомагистралларида ҳам кечаю кундуз ҳаракатланаётгани ғуруримизга ғурур қўшади.

Ўтган давр мобайнида автомобилсозлик иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бу соҳада янада салмоқли натижаларга эришиш, рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқарилишини янада кенгайтириш, истеъмолчилар истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда маҳсулотлар русумини янгилаб бориш учун ҳар томонлама етук билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2009 йил 27 апрелдаги "Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) очилиши ҳам саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илғор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ишларини юқори босқичга олиб чиқди.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси олий ўқув юртларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш, олий ўқув юртларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш ғоясини илгари суриб келмоқда. Айнан мазкур ғоянинг нечоғлик халқчил эканлигини Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Университетда амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар асосида тажриба-синов ишларини ўтказиш, талабалар эгаллаган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Университетда ташкил этилган технопарк, махсус лаборатория, метрология ва шу каби кўплаб марказлар машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида талабалар ҳамда илмий мутахассисларнинг тадқиқотлар олиб борувчи майдонига айланиб улгурган.



Муҳими, университет илмий ходимлари, ўқитувчи ва талабалари иштирокида юритилаётган инновацион лойиҳаларнинг туб мақсади мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишга қаратилган.

Хусусан, университет янги лойиҳа бўйича муҳандиси Парахат Бердимуратов шу кунларда кузда тўкилган баргларни йиғиш мобиль ускунасини тайёрлаш ишини якунига етказмоқда. Олиб бораётган тадқиқот ишлари жараёнида Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидан олинган ёзма маълумотларга кўра, бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида йилнинг куз фаслида 5 миллиондан ортиқ дарахт ва ўсимликлардан тахминан 100 минг тоннагача барг тўкилади. Бу мавсумда кунига 3350 нафар ишчи 150 та техникадан фойдаланган ҳолда ҳудудларни барглардан тозалашга сафарбар қилинади. Юқоридаги мосламанинг қўлланилиши ҳам ишчиларнинг мушкулини енгил қилиши, ҳам сарфланадиган харажатларни тежаши кўзда тутилган.

— Мазкур ускунанинг ишлаш технологияси бугун деярли барча юртдошларимизнинг хонадонида мавжуд мослама — чангютгичникига ўхшаш, — дейди биз билан суҳбатда П.Бердимуратов. — Бироқ биз яратаётган бу ускуна ҳар қандай об-ҳаво шароитида ернинг текис ва нотекис қатламида ҳам ишлай олади. Шунингдек, чиқинди йиғиш халтасининг сиғими катта бўлиб, унга 20-30 килограммгача бўлган баргларни сиғдириш мумкин. Бундай ускуналар дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланилмоқда, аммо бизнинг мақсадимиз бу аппаратни маҳаллий маҳсулотлар ёрдамида ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва маҳаллийлаштиришга ҳисса қўшиш ҳисобланади. Мазкур лойиҳа устида бир йилдан буён иш олиб бораяпмиз. Ниятимиз — жорий йилда ўтказиладиган IX "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркасида тайёр бўлган ускунани кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишдир.

Суҳбатдошимиз баъзан кўча-кўйларда бир жойга уюм қилиб тўпланган хазон барглари айрим юртдошларимиз томонидан ёндирилиши ачинарли ҳолатлигини таъкидлаб, бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатларини шаҳримизнинг чиройи, инсонлар саломатлиги, табиатга қанчалик зиён етказишини билмасдан амалга ошираётганини куюнчаклик билан қайд этди.

— Мутахассислар маълумот беришича, хўл барглар ёндирилишидан келиб чиқувчи дуд, тутун инсонларда турли хил хавфли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бизда эса, афсуски, хазонрезгилардан бутунлай қутулиш мақсадида уларни бир жойга тўплаб, ўт қўювчилар кўплаб топилади, — дейди Парахат ака. — Ваҳоланки, дунёнинг Япония, Швейцария, Дания сингари ривожланган мамлакатларида чиқиндининг бу турини қайта ишлаш орқали экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш амалиёти кенг татбиқ этилмоқда. Келгуси илмий-инновацион лойиҳаларимизда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишни режалаштирганмиз. Хусусан, дарахтлардан тўкилган барглар, майда шох-шаббалар, шунингдек, бошқа турдаги чиқинди маҳсулотларидан иборат аралашмани муайян температурада қуритиб олиб, намлиги камайган чиқиндилар 3,5 минг босим кучи ёрдамида бирлаштирилади. Натижада кўмир, ўтин ўрнини босувчи ёнувчан брикетлар ишлаб чиқарилади. Бу билан биз табиат ҳамда тирик мавжудотлар саломатлигига етказаётган зиённи камайтиришга, шунингдек, мамлакатимиздаги табиий газ ва кўмирни тежашга эришамиз.

"Ўзавтосаноат" АЖ, Тошкент трактор заводи ҳамда университет мутахассислари ҳамкорлигида пахта териш машинасини модернизациялаштиришни назарда тутувчи инновацион лойиҳа ҳам соҳа мутахассислари томонидан истиқболли лойиҳа сифатида баҳоланмоқда.

— Лойиҳа асосида MX 1.8 русумли пахта териш машинасининг техник ҳолати 3D шаклли дастурда ўрганилди ва компьютерда машинанинг ички ҳамда ташқи томонларини кўриш, айрим деталларига тузатиш киритиш имконияти туғилди, — дейди янги лойиҳалар бўйича муҳандис Сарвар Исмоилов. — Бинобарин, механик редуктор, кардан сингари айрим эҳтиёт қисмлари ўрнига гидромотор, мой совутгич, электроблоклар ўрнатилиши ҳисобига машинанинг таннархи пасайиб, ишлаш самарадорлиги сифати ортди. Шу билан бирга, пахта териш машинасининг умумий оғирлиги деярли 300 килограммга камайди. Бугунги кунда енгил бошқариладиган бу пахта териш машинасининг сифат кўрсаткичлари ва мезонлари синовдан ўтказилмоқда.

Университет мутахассислари юртимизда фаолият юритаётган 14 та автомобилсозлик йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари учун замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини тайёрлаш ва етказиб бериш инновацион лойиҳасини муваффақиятли амалга оширмоқда.

**Мухтасар айтганда, мустақил юртимизда ёшларимизга илм-фан чўққиларини забт этиш ва мамлакатнинг иқтисодий, илмий салоҳиятини юксалтириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жорий этиши бўйича яратилган шарт-шароитлар тез фурсатларда ўзининг ижобий натижасини кўрсатишига ишончимиз комил.**

**Саодат СОДИҚОВА,**
**«Adolat» мухбири**

**➢ Бандликни таъминлаш**

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус касб-ҳунар мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш, мутахассислар эҳтиёжга нисбатан кўпроқ тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартириб бориш ва шундан келиб чиққан ҳолда – хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр сектор, ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш ғоясини илгари суриб келмоқда.

# Талаб ва таклиф омили

## меҳнат бозорида муҳим



Хўш, бу ғоянинг туб моҳияти, мақсади нимадан иборат? Нима учун партия шу фикрни жамоатчилик эътиборига ҳавола этаяпти? Бу ғоя бугунги кун учун нечоғлик муҳим аҳамиятга эга? Шу ва шу сингари саволларга муносиб жавоб бериш, ғоянинг нечоғлик халқчил ва долзарблигини асослаш учун кўплаб факт ва мисолларни келтириш мумкин.

Бинобарин, инсон ҳаётда, жамиятда ўз ўрнига, муносиб турмуш шароитига эга бўлиши учун ўзи танлаган касбнинг сир-синоатларини мукаммал ўзлаштириши, меҳнат қилиши талаб этилади. Лекин баъзан бунинг учун киши эгаллаган билим ва кўникмаси, хоҳиши камлик қилади. Оддий мисол, бугун бирон касб-ҳунар коллежини тамомлаган битирувчи ўзи яшайдиган ҳудудда касбига, соҳасига бўлган талаб ва эҳтиёж юқори эмаслигини англаб етиши мумкин. Хўш, шундай вазиятда у муносиб иш излашда давом этгани маъқулми ёки бир жойда тўхтаб қолмасдан ўз устида ишлаши, зарурат туғилган тақдирда бугун талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарни ўрганганими?

Пойтахтимиздаги "Ипакчи" маҳалласида яшовчи Ҳожиакбар Очилов иккинчи йўлни танлади. Шаҳардаги касб-ҳунар коллежларидан бирини тамомлагач, анча вақтгача тумандаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ёрдамида ўзига иш излади. Ахири, муносиб иш топилавермагач, марказ Ҳожиакбарга Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш марказига йўлланма берди ва бу муассасада "Электроника ва электротехника" йўналишида 10 ойлик ўқишни якунлади. Кўп ўтмай, маҳаллада маиший техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлаш сервис марказини ташкил этишга, яна 3 нафар тенгдошини ҳам доимий иш билан таъминлашга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 августдаги "Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида касб-ҳунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан шаҳарнинг Сергели туманида ташкил этилган мазкур марказда ўқиб, Ҳожиакбар Очиловга ўхшаб ўз ҳаёт йўлини топиб кетган йигит-қизлар талайгина.

Айтиш мумкинки, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар изчил давом эттирилаётган, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб берилаётган бугунги кунда янгидан-янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилмоқда. Айниқса, республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида қад кўтараётган бундай ташкилот ва корхоналарда ўз ишининг устаси бўлган ишчи-ходимлар фаолият юритиши талаб этилади. Марказнинг мақсади ҳам ана шундай ишчи-ходимларни тайёрлашга ҳисса қўшиш ҳисобланади.

— Марказнинг асосий мақсади иш билан вақтинча банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан, умумтаълим мактабларини, касб-ҳунар коллежларини, академик лицейларни тамомлаган ва доимий ишга эга бўлмаган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳисса қўшиш бўлиб, бугунги кунда муассасамизда "Машинасозлик ишлаб чиқариш технологиялари", "Электроника ва электротехника", "Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш", "Ахборот технологиялари ва тизимлари" мутахассисликлари бўйича ўқитилади, — дейди марказ директори Равшан Иброҳимов. — 360 нафар ўқувчига мўлжалланган марказимизда республикамизнинг барча ҳудудларидан келиб бепул асосда таҳсил олишлари учун 100 ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. 2012 йилда фаолиятимизни бошлаган бўлсак, бугунги кунга қадар 1500 нафардан зиёд ёшлар касб-ҳунарга ўқитилди ва уларнинг барчаси Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, корхона ва ўқувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида тўлиқ иш билан таъминланди.

Хусусан, марказни тамомлаган токар, фрезерчи, пайвандчи, металлга ишлов берувчи, маиший техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлайдиган мутахассислар, авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар ҳамда ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа замонавий ускуналарга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар бугунги кунда мамлакатимиздаги йирик корхона ва заводларда, комбинатларда фаолият юритмоқда.

— Ўғлим Одилбек 2013 йилда туманимиздаги Бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси билан Касб-ҳунарга ўқитиш маркази машинасозлик йўналишида 10 ой давомида бепул таҳсил олди, ётоқхонасида яшади, — дейди жиззахлик онахон Буврobия Жиянбоева. — Шу ўқиши даврида ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан 6 ой стипендия ҳам олди. Ҳозирги кунда вилоятимиздаги Аккумулятор заводида 5-разрядли фрезерчи бўлиб ишлаяпти. Ёшларимизга, фарзандларимизга шу даражада эътибор қаратиб, уларнинг иш билан таъминланишига шароит яратиб бераётган Президентимиз, ҳукуматимизга раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Сардор Абдуқундузовнинг маълумот беришича, бу каби касб-ҳунарга ўқитиш марказлари яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корея Республикаси ҳукумати ўртасида имзоланган Келишувлар доирасида Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, тез ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида қисқа муддатларда замонавий касблар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи таълим муассасаларининг ташкил этилиши давр талаби ҳисобланади.

**С.ЖАББОРОВА,**
**«Adolat» мухбири**

# Ватан ободлигига дахлдорлик ҳисси

## "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси амалда



**➢ Депутатлик назорати**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан амалий ишлар қилинмоқда.

Шу мақсадда Тошкент шаҳрининг "35-Тузель" сайлов округи ҳудудидаги саккиз маҳалла ва унга туташ йўлларда сўнгги 15 ой давомидаги йўл таъмирлаш ишларини ўрганиб чиқдик. Аниқланишича, жамоат транспорти қатнайдиган кўчалар ҳамда маҳалла ички йўлларининг 30 000 м² ортиқ майдони жорий ва капитал таъмирланди. Жумладан, "Баҳор" маҳалласи ёнидаги "Оҳангарон" шоҳкўчасининг ёрдамчи йўли, "Бобур" маҳалласи "Хосият" кўчасининг "Иззат" кўчасига уланган қисми, "Чўлпон" кўчасида жорий таъмирлаш, "Парвоз" маҳалласи бўйлаб ўтган "Бешариқ" кўчасининг 20 000 м² дан ортиқ қисмида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. "Мустақилликнинг 10 йиллиги", "Парвоз", "Усмон Носир", "Ал Бухорий" маҳаллаларининг ички кўчаларида 500 м² дан зиёд майдоннинг таъмирланиши кўчаларга янада файз бағишлаган.



Шуни айтиш жоизки, ҳали қилинадиган талай ишлар борлиги, аҳолининг йўл сифатига талаби ортаётгани сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролардан 2015 йил давомида келиб тушган 145 та мурожаатнинг 30 таси шу масалага оид эканида ҳам кўзга ташланади. Шуни назарда тутиб, Яшнобод туман ҳокимлиги томонидан маҳаллалар кўчаларини таъмирлаш бўйича 2016 йил учун режа ишлаб чиқилишида яқин ҳамкорликда иш олиб бордик. 2015 йилнинг декабрь ойида Яшнобод туман ҳокимлигига киритилган депутатлик сўровига жавобан тез фурсатда амалий ишларга киришилди. Шунга биноан ҳудуддаги тўққиз маҳалланинг ички йўллари МФЙ фаоллари иштирокида туман ободонлаштириш бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Натижада "Авиасозлар", "Чўлпон", "Хосият" кўчалари, 61-мактабдан "Авиасозлар" кўчасига бориладиган ички йўлни таъмирлаш вазифаси тегишли режадан жой олди. Шу билан бирга, "Ал Бухорий", "Баҳор", "Бешариқ", "Моҳинур", "Мустақилликнинг 10 йиллиги", "Парвоз", "Усмон Носир" маҳаллаларининг бир неча ички йўлларидаги жами 6600 м² майдонни капитал ва жорий таъмирлаш режага қўшимча равишда киритилиши борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккури, айниқса, маҳалла фуқаролари йиғинларининг ижтимоий масалаларга эътибори тубдан ортди, бунга ҳаётий мисоллар кўп. Ҳар бир фуқаронинг юрт ободлигига дахлдорлик ҳисси ошмоқда.

"35-Тузель" сайлов округи ҳудудидаги "Мустақилликнинг 10 йиллиги" маҳалласи раиси Равшан Тўраевнинг 16, 17-кўп қаватли уйлар оралиғидаги йўлакнинг таъмирталаблиги ҳақида қилган мурожаатини Яшнобод туман ҳокимлиги билан биргаликда ўргандик. Туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бўлими томонидан бу борада бошланган хайрли ишларда шу ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлар, маҳалла аҳли ҳам четда турмай, ўз ташаббуси билан амалий ёрдам беришди. Шу тарзда депутат ва маҳалла фуқаролар йиғини, давлат ҳокимияти ҳамда тадбиркорларнинг ижтимоий ҳамкорлиги амалда акс этди, масала бир ҳафта ичида ўз ечимини топди.

Умуман олганда, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар аҳолининг йўллардан фойдаланиш маданиятини ошириш, кўчаларнинг сифатли ва замонавий талабларга мос таъмирланиши назоратини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини янада яхшилаш учун хизмат қилмоқда.

Партиямизнинг дастурий мақсадларига мос бу хайрли ишлар изчил давом этмоқда, чиройли ва равон йўллар шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати**

➢ **Матбуот анжумани**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан шу мавзуда ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини замонавий билимлар асосида юксалтириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

# ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ:

## *истиқбол ва имкониятлар*

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги қарори билан ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Марказнинг асосий вазифаси — суд, адлия, адвокатура идораларининг вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, Марказда деярли барча юридик касб эгалари малака оширадилар. Илгари бу ерда йилига ўртача 800 нафарга яқин юрист кадрлар ўз малакасини оширган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич қарийб 3000 нафарни ташкил этмоқда. Тингловчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ўқув жараёнларига 200 дан ортиқ тажрибали амалиётчилар жалб этилган.

Бугунги кунда Марказда судьяликка номзодлар ва судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган шахсларнинг мансаб вазифасини бажаришга киришишдан олдин мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги илоҳотларнинг моҳияти, қонунчиликдаги янгиликлар ва касбий кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташларининг белгиланганлиги одил судлов жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларга малака ошириш муассасасининг халқаро алоқалари хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Хусусан, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, ЮНОДС, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Шунингдек, АҚШ, Германия, Венгрия, Словакия каби мамлакатларнинг таълим даргоҳлари билан икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган. Охирги икки йил давомида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Венгрия, Польшанинг амалиётчи судьялари ва экспертлари иштирокида 10 дан ортиқ халқаро учрашув ва анжуманлар ташкил этилди. 2014 йилда эса Юристлар малакасини ошириш маркази Судьяларни тайёрлаш халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари бугун халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлаётгани аниқ мисолларда тилга олинди. Ушбу соҳадаги ишларнинг кўлами, қўлга киритилган ютуқлар ва мазкур йўналишларда келгусида амалга ошириладиган вазифаларнинг ечимлари ҳақида ҳам ахборот берилиб, иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Суюндик МАМИРОВ,**
**«Adolat» мухбири**

# Бағрикенглик ва кечиримлиликнинг

## *амалдаги ифодаси*

➢ **Қарор ва ижро**

**Бағрикенглик ва кечиримлилик халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳуқуқ соҳасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳам айнан халқимизнинг мазкур инсоний қадриятлари билан ҳамоҳанглиги муҳим аҳамиятга эга.**

Хусусан, ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларга киритилган янгиланишларга кўра жиноятларнинг таснифи ўзгартирилгани, жумладан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайгани — буларнинг ҳаммаси суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилган ислоҳотлар халқимизга хос кечиримлилик, адолатпарварлик фазилатларига тўла мос тушади.

Давлатимиз раҳбарининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ҳам юқоридаги фикрларимизга яққол далил бўла олади.

Қарорга асосан, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йил ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган, деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши ва мазкур шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилиши белгиланди. Шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилиниши кўзда тутилган.

Маълумки, истиқлол йилларида қабул қилинган амнистия актларида нафақат маҳкумларни жазо муддатини ўташ жойларидан озод қилиш, балки уларни оилаларига қайтариш билан бирга, соғлиғини тиклаш, турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнат фаолиятларини бошлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини ҳисобга олиб, амнистия қарорларида йўлдан адашган, қонунбузарлик қилиб, жиноят кўчасига кириб қолган, хатоларини тушуниб, тўғри йўлга ўтган хотин-қизларни ўз оиласи бағрига қайтариш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришга, биринчи навбатда, фойдали меҳнат билан шуғулланишларига, ўз фарзандларини ўзлари тарбиялашларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўтган йилларда фаол қўлланилган бу тажриба ўз самарасини берди — кўплаб собиқ маҳкумалар бугунги кунда оилаларида ўз мавқеларини тиклаб, маҳалла ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

— Енгил йўл билан топилган бойлик ҳеч кимга буюрмас экан, — дейди Мунаввар Муҳаммедова. — Нафсимга қул бўлиб, шерикларим билан бирга ўзга шахсларнинг мол-давлатига эга бўлиш мақсадида ўғриликка қўл ургандим. Жиноятимга яраша жазоимни олдим. Ҳибсдалигимда оила, эркинлик, озодлик қадрини тушуниб етдим. Биз, адашганларни авф этган Юртбошимизга, ҳукуматимизга раҳмат. Бошқа бундай номақбулчиликка йўл қўймасликка ваъда бераман.

Амнистияга тушган шахсларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида жойларда маҳаллий ҳокимликларнинг махсус қарорлари қабул қилинган бўлиб, қарор ижроси юзасидан ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг қуйи тизимлари томонидан ҳудудий прокуратура, ички ишлар органлари, тиббиёт бирлашмалари, ижтимоий кўникма марказлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Озод этилган шахслар соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, мақбул келадиган иш ўринлари таклиф этилмоқда.

— Амнистия акти бўйича озод этилган Тошкент шаҳри фуқароларининг 234 нафари квоталанган иш ўринлари, корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди, — дейди Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бандликка кўмаклашиш ва таҳлил бўлими бошлиғи Жалол Абдусатторов. — 6 нафари ўқув муассасаларига ўқишга қайта тикланган, 2 нафари 2 ёшгача бўлган бола парвариши билан банд, 19 нафари ишга жойлаштириш жараёнида.

**Мухтасар айтганда, бундай ғамхўрлик ва эътибор билиб-билмай хатоликларга йўл қўйган, адашган юртдошларимизни ҳаётда янгидан-янги, бунёдкор ғоялар билан яшашга, ўз оиласи, эл-юрти корига ярашдек хайрли мақсадни амалга оширишга ундаши муқаррар.**

**Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,**
**"Adolat" мухбири**

# ? *Ҳуқуқий маслаҳат*

**— Бир дўстим Россиянинг Архангельск шаҳрида вақтинча яшаяпти. Шу кунларда Ўзбекистонга қайтиб келмоқчи. Дўстим биометрик паспорт олишга улгурмаган экан, у мендан "эски паспорт" билан республикамизга келиш мумкин ёки мумкин эмаслигини суриштириб беришимни сўраган эди. Шу саволга жавоб топишга ёрдам берсангиз.**

***О.Мамадиев,***
***Тошкент вилояти***

*— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вебсаҳифаси —* www.mfa.uz *да қайд этилишича, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли идоралари қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг нобиометрик паспорти амал қилиш муддати тугамаган бўлса, паспорт эгаси томонидан фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳужжати сифатида ишлатилиши мумкин. Ушбу паспорт Ўзбекистонга қайтаётганда учинчи давлат ҳудудидан транзит ўтишга ҳам ишлатилиши мумкин.*

*Шунингдек, сайтда маълумот хорижий давлатларга етказилиши ва ушбу тартиб хорижий мамлакатларнинг тегишли идоралари томонидан ўзларининг жойлардаги бўлимларига етказилганидан сўнг 2018 йилнинг 1 июлига қадар амал қилиши баён этилган.*

*Маълумот тариқасида айтиш лозим, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасидан хорижга чиқишлари учун биометрик паспорт талаб қилинади.*

*Манба:* wwwmfa.uz

**— Кам таъминланган, кўп болали бир қўшним бор. Савоб учун шу маҳалладошимга вақтинча фойдаланиш шарти билан автомобилларимдан бирини текинга беришим мумкинми? Агар мумкин бўлса, автомобилим соз ҳолатда сақланишини қандай талаб қила оламан?**

***Т.Ҳусанов,***
***Термиз тумани***

*— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 537-моддасига асосан, ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар, ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.*

*Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 617-моддасида текин фойдаланиш шартномаси тушунчаси акс эттирилган.*

*Бунга кўра, текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга (ссуда олувчи)га ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейилишини ҳисобга олиб, худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.*

*Бундан ташқари, мазкур кодекснинг 623-моддасида ссуда олувчи текин фойдаланиш учун олинган ашёни соз ҳолатда сақлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.*

*Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи ашёни жорий ва капитал таъмирлаши ва уни сақлаш билан боғлиқ ҳамма харажатларни тўлаши шартлиги кўрсатилган.*

**Саволга Жарқўрғон туман 2-сон ДНИ нотариуси**
**Баҳром ЭЛМУРАДОВ жавоб берди.**

➢ **Мулоҳаза**

# ҚАРЗ бериш савоб, аммо...

**Ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам қарз олиш ёки беришга мажбур бўлмаган инсоннинг ўзи топилмаса керак. Ҳаммамизда ҳам шунақа вазиятлар учраб туради. Зудлик билан бирор-бир юмуш ёки буюмга тўлов ишларини амалга оширишга ёки саломатлигимизни тиклашга ёки яна бошқа мақсадларга маблағимиз етмай қолганда бошқаларнинг ёрдамидан фойдаланганмиз.**

**Бундай ҳолатнинг кузатилиши ҳам аслида табиий. Бугун мендан қарз сўраб келишса, эртага мен ҳам кимдандир қарз сўрамаслигимга ҳеч ким кафолат бермайди. Буни ҳаёт дейдилар.**



Бугун бу мавзуга қўл уришимизнинг асосий сабаби — кейинги пайтларда таҳририятимизга йўлланаётган мурожаатларнинг бир қисми фуқаролар ўртасида қарз олди-бердисидек нозик масала хусусида эканлигида. Яъни айрим юртдошларимиз таҳририятта мактуб йўллаб, фалон танишига муайян муддатга берган қарзини қайтариб олишда биздан кўмак сўрайди.

Албатта, таниш-билишига ишониб қарз бериб турган, айни пайтда уни қайтариб олишга қийналаётган ҳамюртларимизга ачинамиз, қўлимиздан келган ёрдамни беришга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга, матбуот, ОАВ фуқаролар ўртасида юзага келаётган муаммони кенг омма эътиборига ҳавола этиш орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришга, амалдаги қонунчиликда белгиланган меъёрлар юзасидан тўлиқ маълумот бериш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтишни истардик.

Аввало шуни айтиб ўтиш керак, қарз олди-бердиси бугун юзага келган масала эмас. Тарихга назар солсак, илгари ҳам ота-боболаримиз бир-бирларидан зарурат туғилганда қарз олган ёки берган. Уларнинг аксарияти қарз олди-бердиси шартлари ва қарзга муҳлат тайинлаш, қарз берилишида гувоҳ ва котибларнинг иштироки ҳамда қарз олганлиги ва унинг қайтарилиши муддатларини тасдиқловчи ҳужжат, яъни васиқа (бугунги кунда тилхат, тушунтириш хати, қарз шартномаси деб номланади)лар ёрдамида муносабат ўрнатиб келишган.

Салкам тўқсонни қоралаб қўйган Мақсадой бувижонимнинг айтишича, илгари одамларнинг ҳаммаси ҳам қарз бераётганда гувоҳ ёки тилхатдан фойдаланмаган. Бир-бировига ишонган таниш-билишлар ўртасида виждон тушунчаси муҳим аҳамиятга эга бўлган.

— Ҳар бир мўмин-мусулмон банда тўсатдан оламдан ўтиб қолган тақдирда унинг кимдан қарз олган ёки олмаганлиги, албатта, суриштириларди, — дейди бувижоним. — Қарзи борлиги маълум бўлганда, уни зудлик билан қайтариш мажбурияти марҳумнинг, аввало, фарзандлари ёинки бошқа қавми-қариндошларига юклатиларди. Бу масалага аниқлик киритилгандан кейингина майит жойига қўйилган. Ёки бўлмаса, қарз берган инсон марҳумга берган қарзидан бутунлай ёки қисман кечиб юборганлиги ҳақида маҳалла аҳли олдида эълон қилган. Фарзандларнинг марҳум ота-онасининг қарзини қайтармаслиги эр йигитларнинг шаъни, ориятига тўғри келмасди, бунақа ҳолат қишлоғимизда умуман учрамаган, ҳаммалари ўз вақтида қарзни қайтаришган.

Бувимнинг ҳар бир ҳаётий ҳикоя, нақлларидан завқланишга одатланганмиз, бу сафар ҳам шундай бўлди. Бугун нотариал идорада неча-неча гувоҳлар иштирокида содда, оққўнгил юртдошларимиздан қарз олиб, эртасига кўзини лўқ қилиб қарз олганлигини рад этаётган айрим "йигит"лар ҳақида эшитавериб, мурожаатларни ўқийвериб, бувимнинг бу ҳикоялари қулоғимизга афсонадек эшитилади.

Гап шундаки, бизга мактуб йўллаган фуқаролардан бири сирдарёлик Наима Нўъмонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ёзишича, бундан икки йил аввал нотариал идора мутахассислари расман гувоҳлигида 3 ойлик муддатга собиқ ҳамкасби Р.Нажимов билан қарз шартномасини тузади ва 20 миллион сўм миқдорида қарз беради. Бироқ, қарзни қайтаришга келганда...

Қарз олган қочар, қарз берган қувар, деганларидек, фуқаро Н.Нўъмонова қарзни қайтаришни сўраб қилган мурожаатига "фақат бугунмас, эртага", "бу оймас, кейинги ойда" деган жавобни олаверади. Кўп вақт ўтмай, қарздор телефон рақамлари, яшаш манзилларини ҳам ўзгартириб юборади. Аниқланишича, бу "эпчил", "абжир" йигит фақатгина Н.Нўъмоновани эмас, унга ўхшаш бир қанча инсонларни чув туширган экан. Бу ҳам майлига, мурожаатчининг суриштиришича, қарздор оиласи билан бошқа маҳаллага кўчиб кетиб, хонадони атрофидан бир неча дўконларни қаторлаштириб қуриб ишга тушириб олган, яъни туппа-тузуккина "тадбиркор" ҳам бўлиб олибди. Лекин қарзни қайтаришни ўйламасмиш. Соддадил синглимиз арз қилиб қарздорнинг ота-онасиникига боришгача мажбур бўлибди, лекин таассуфки, ота-она "қаёққа борсанг, бор, ўғлимизнинг бировдан қарзи йўқ, ҳаммаси туҳмат", деган гаплар билан мурожаатчимизнинг ҳафсаласини яна ҳам пир қилибди. Демак, бу "уддабурон" қарздорга кимлар "ўрнак", "намуна" бўлганини ҳам тушуниб олиш мушкул эмас. "Қарз" сўзининг луғавий маъноси "қирқиш" демакдир. Сабаби қарз берувчи ўз молидан маълум бўлакни қирқиб, қарзга беради. Ваҳоланки, бу ота-она зурриёдини оппоқ қилиб кўрсатишга уринишдан аввал шу муштипар, ожиза аёлнинг дардини тинглаши, масала юзасидан сўраб-суриштириши керак эмасмиди? Фарзандига тўғри тарбия бериш, бошқа кишидан олинган омонатни қайтаришга ўргатиши уларнинг инсоний ва ота-оналик бурчи эмасмиди?

Мурожаатга жавоб йўллар эканмиз, фуқарога бу масалада фуқаролик ишлари бўйича ҳудудий суд органларига даъво аризаси билан мурожаат қилишни тавсия этдик. Албатта, суд орқали қарз берувчи мурожаатчимиз берган қарзини ундириб олишга эришади ҳам, бунга шубҳамиз йўқ. Лекин бу масала судгача бўлган жараёнда ҳам ечимини топиши, қарздор худбинликка йўл қўймасдан унга ишониб, ўз вақтида қарз бериб турган танишининг омонатини қайтариши мумкин эди-ку, деб ўйлаб қолади, киши.

Ахир, бу оққўнгил жувоннинг айби танишига ишонганидами? Ёки унинг пулга муҳтож ҳамқишлоғига ёрдам бермагани маъқулмиди?..

Бу сингари саволларни ўртага ташлаб, бугунги кунда бошқаларнинг муаммоси, ташвиши билан қизиқмаслик, қарз сўраша рад этиш керак, деган хулоса беришдан йироқмиз, албатта. Мақсадимиз, биргина мисол орқали оилаларда, таълим муассасалари, маҳаллаларда ёшларимиз билан инсоний бурч ва фазилатлар хусусида кўпроқ суҳбатлашиш, уларга бу борада намуна бўлишимиз кераклигини ёдга солишдир.

**Кези келганда таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 723-741-моддаларида қарз шартномаси, бундай шартноманинг шакли, шартнома бўйича фоизлар, қарз олувчининг қарз суммасини қайтариш мажбурияти, қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари, қарз шартномаси юзасидан даъволашиш ва шу сингари меъёрлар ўрин олган бўлиб, қарз олиш ёки бериш ниятида бўлган юртдошларимиз бу моддалар билан яқиндан танишиб чиқиши мақсадга мувофиқ бўларди.**

**С.ЖАББОРОВА,**
**«Adolat» мухбири**

# ШҲТ минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга

## МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Президентимиз раҳнамолигида ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётган мамлакатимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиш йўлидаги олий мақсадларига эришишнинг стратегик механизмини яратди. Бу жараёнда мамлакатимиз халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, хусусан, жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотларига аъзо бўлиб, улар билан фаол ва самарали алоқаларни муттасил кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шулардан бири Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)дир.

2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мустаҳкам позицияси, самарали ёндашувлари ва муайян мақсадларига эга нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг глобал иқтисодий-ижтимоий, халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни бартараф этишдаги, дунёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти ва таъсири тобора ошиб бораётгани ШҲТга аъзо бўлиш, кузатувчи ва мулоқот бўйича шериклар қаторига қўшилиш истагини билдираётган мамлакатлар сони тобора ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

ШҲТ ташкил топгандан буён Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ташкилотнинг аъзолари ҳисобланади. Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Мўғулистон, Беларусь ШҲТ фаолиятида кузатувчи сифатида қатнашса, мулоқот бўйича шериклар сафида Туркия, Шри-Ланка, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал иштирок этади. Ўтган йилги Уфа саммитидан сўнг Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга аъзо сифатида қабул қилиш жараёни бошланди.

Ўтган давр мобайнида ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва аҳил қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама асосда савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

ШҲТ фаолиятида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилма-хилликка ҳурмат билан ёндашув, биргаликда тараққий этишга интилиш тамойилларига қатъий амал қилиб келинмоқда.

ШҲТ фаолиятида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни молиялаштириш, ишбилармонлар ва молия муассасаларининг ўзаро алоқаларини фаоллаштириш, жумладан, транспорт, инфратузилма, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорлик ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, фан, таълим, инновацион технологиялар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, экология ва хавфсизлик каби йўналишлардаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ушбу халқаро ташкилот фаолиятидан ўрин олган муҳим вазифалардандир.

Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи икки органи – Пекин шаҳрида жойлашган Котибият ва Тошкент шаҳрида жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Котибият ШҲТнинг ижроия муассасаси ҳисобланиб, ташкилот доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг ташкилий-техник ва ахборот таъминотини амалга оширса, Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг асосий вазифалари терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишдан иборат.

Бугунги шиддатли даврда ҳеч бир глобал муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Мисол учун, экология ва хавфсизлик муаммолари жаҳон миқёсидаги фаол ҳамкорликни талаб этади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йили Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ШҲТ фаолиятида муҳим тарихий воқеа содир бўлди – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг ўша йили апрель ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида Тошкентда БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Мазкур муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши – ШҲТ билан БМТ ўртасида расман йўлга қўйилган ҳамкорлик долзарб масалалар ечимини топишда биргаликда ҳаракат қилиш учун муҳим замин яратди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-қоидаларига асосан ҳар йили аъзо давлатлардан бири унга раислик қилади. 2015 йилнинг 11 июлидан бошлаб ШҲТга Ўзбекистон Республикаси раислик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ШҲТнинг асосчи давлатларидан бири бўлиб, мамлакатимиз шу кунга қадар ушбу ташкилотга икки маротаба – 2003-2004 ва 2009-2010 йилларда раислик қилган. Бу даврларда ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш, унинг доирасида турли йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилинган.

ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланадиган жорий йилда ташкилотга раислик қилиш мўлжалланган режалар ижросини муваффақиятли амалга ошириш бўйича масъулиятни янада оширади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ушбу йирик анжуманга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон ШҲТдаги раислиги даврида мавжуд анъаналарга риоя қилиб, аъзо давлатлар манфаатларига мос амалий ва ишончли ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтириш тамойилларига қатъий амал қилмоқда.

> Мамлакатимизнинг ШҲТга раислиги доирасида ташкилот халқаро алоқаларини янада ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, унинг Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**




# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятта янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 1 апрелидан 2016 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.**

Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

*Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:*

энг яхши фоторепортаж;
энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

**Танлов шартлари:**

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:**

муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);
муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 майда – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

*100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.*
*Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87*
www.journalist.uz

Reklama

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**
**«Ягона буюртмачи хизмати»**
**инжиниринг компанияси**
**қайта танлов савдоси эълон қилади**

Объект номи:

**ЛОТ- 5**
**ЛОТ-5.1. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 12-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш"**

***Бошланғич нархи:*** 1 033 094 695 сўм ҚҚС билан;
860 912 246 сўм ҚҚС сиз.

***Муддати: 01.08.2016 йил.***

***Манзил:*** Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй,
тел.(0595)-401-52-05. 401-52-01.

*Қурилиш-монтаж ишлари:* **Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Капитал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови – 100%.***

***Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 36-уй,*
*телефон/факс: (0373)-244-68-90, 998-98-276-25-48*

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 36-уй манзилда ўтказилади.*

**Дунё бўйлаб**

## ИХЧАМ, ҚУЛАЙ...

**Кейинги пайтларда Францияда икки ўринли микроавтомобиллар кўплаб учрамоқда. "Вуатюретка" деб аталадиган бундай машиналарни 14 ёшдан ошган истаган фуқаро бошқариши мумкин. Энг қизиғи, микроавтомобилни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб қилинмайди.**



Вуатюретканинг тезлиги соатига 45 километрга етади. Ҳаракат пайтида мотор тикув машинасига ўхшаб ишлайди.

Мутахассислар бундай машиналар, айниқса, катта ёшли французларга маъқул келганлигини алоҳида таъкилашмоқда. Шунингдек, спиртли ичимлик ичганлиги сабабли ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум бўлган ҳайдовчилар ҳам вуатюреткага ўтишмоқда.

Шу сабабли бўлса керак, талабларга кўра яқиндан бошлаб бундай микроавтомобилларга кондиционер, камералар ва товуш тизими ўрнатиладиган бўлди. Натижада буюртма вуатюреткаларнинг нархи баъзан 12-14 минг еврога ҳам етмоқда.

Ҳайдовчилар эса вуатюреткани бошқариш жуда осон эканлигидан, айниқса, уни машиналар тўхташ жойларига киритиб-чиқариш қулайлигидан мамнун эканликларини билдиришмоқда. Тўғри, ҳозирча полиция вуатюреткаларнинг йирик автомагистралларга чиқишига қаршилик кўрсатмоқда. Аммо мутахассислар бу муаммо тезда барҳам топишига ишонч билдиришмоқда.

## GOOGLE ЭКСТРЕМИЗМ ТАРҒИБОТИГА ҚАРШИ КУРАШАДИ

**Google компанияси ишга туширган янги лойиҳага кўра, тармоқдан экстремистик мазмундаги маълумотлар излаган фойдаланувчининг сўрови антирадикал йўналишдаги сайтларга ўтказиб юборилади. Бу ҳақда The Guardian газетаси хабар беради.**




Лойиҳадан асосий мақсад терроршилик ва экстремизм ғояларининг интернет орқали ёйилишига қаршилик кўрсатишдир.

– Биз фойдаланувчиларимизга ижобий маълумотлар топиш имкониятини яратишимиз керак, – дейди Google компаниясининг коммуникациялар бўйича катта менежери Энтони Хаус. – Одатда, одам интернетга кирганида ўзини ёлғиз сезади. Табиийки, биз бундай фойдаланувчига зарар келтирадиган эмас, наф берадиган маълумотларни тақдим этишимиз лозим.

Мутахассислар ижтимоий тармоқларнинг ўз фойдаланувчилари хавфсизлиги учун бу тарзда кураш олиб бориши диний экстремизм, терроризм, хусусан, ИШИДнинг жангари ғояларига қарши кураш олиб боришда ижобий натижалар келтиришини таъкидлашмоқда.

**Интернет хабарлари асосида**
**«Adolat» мухбири Бобур ТУНГАТОВ тайёрлади.**

# Амалий ишлар самараси

**Тадбир**

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан Зомин туманидаги қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг мажлислар залида "Аҳоли учун, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман бандликка кўмаклашиш маркази вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очиб берган туман партия кенгаши раиси Ш.Тўраев туманда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борада партия фаолларининг ўрни, коллеж битирувчилари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилаётган шартномалар, уларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритди.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари А.Абдураимов марказ томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, туманда ташкил этилаётган бўш иш ўрни ярмаркалари ва уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди. "F.Fулом" МФЙ маслаҳатчиси М.Ҳайдарова маҳалла фуқаролари йиғини томонидан тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида кўрсатилаётган амалий ёрдам хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қизғин савол-жавоблар асосида ўтган ушбу тадбирда иштирокчилар партиямиз томонидан ўтказиб келинаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ва уларнинг самараси тўғрисида қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

**Маърифат МАВЛОНОВА,**
**Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби**

ALOQABANK

➢ Молия муассасаларида

# Минтақавий филиаллар минтақалар таянчи

**Бугунги кунда ҳар бир банк ўзининг кенг географик инфратузилмасига эга. Бу уларнинг ҳар бир нуқтада аҳоли ва ишбилармонларни яқиндан қўллаб-қувватлаш имконига эга эканлигидан далолат беради.**

**Жумладан, акциядорлик-тижорат “Алоқабанк”нинг Андижон минтавақий филиали томонидан ҳам айни пайтда 1360 га яқин юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли замонавий банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.**

— Банк соҳаси иқтисодий барқарорлик, жамият осойишталиги ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим тизимлардан бирига айланган, – дейди филиал бошқарувчиси Н.Тошматов. – Хусусан, бугунги кунда барча соҳа ва тармоқлардаги иқтисодий ўсишлар айнан банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлмоқда. Шу боис “Алоқабанк” бошқаруви томонидан аҳоли ва хўжалик субъектларининг талаб ва истаклари асосида ишлаб чиқилган замонавий банк хизматларининг барчаси филиалимизда тўлиқ амалиётга татбиқ этилган. Жумладан, кредит, депозит, конверсион ва лизинг амалиётлари, факторинг ва ҳисоб-касса хизматлари ҳамда халқаро пул ўтказмалари мижозларга ўз даромад манбаларини шакллантириш ва барқарорлаштириш имконини бераётган бўлса, “Банк-мижоз”, “Мобиль-банкинг”, “Интернет-банкинг”, “SMS-хабарлаш” каби интерактив хизматлар, халқаро ва миллий валютадаги пластик карталар уларга тезкор, хавфсиз, содда ва тежамкорлиги билан қулайлик туғдирмоқда. Яқинда АТ «Алоқабанк» бошқаруви томонидан жорий қилинган яна бир янги – P2P номли инновацион хизмати ҳам мижозларга манзур бўлмоқда. Uzcard мобиль иловаси ҳамда веб-интерфейс орқали бир пластик картадаги маблағларини бошқасига ўтказиш имконини берувчи ушбу тизимдан фойдаланишда мижоз my.uzcard.uz электрон манзилида ўтказма шакли (хусусан, қабул қилувчи картанинг ҳисоб рақами ҳамда кўчирилаётган сумма миқдори тўғрисидаги маълумот)ни тўлдирмоқда. Хизмат нархи ҳар бир ўтказма учун 2 фоиз миқдорида белгиланган. Бунда пул ўтказмалари миқдори чекланган, яъни бир мижоз томонидан ўтказилаётган маблағ бир ой давомида 1 миллион (1 000 000) сўмдан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Xizmatlar litsenziyalangan



Дарҳақиқат, “Алоқабанк” республикамиз молия бозорида ўзига хос маркетинг сиёсатига эга муассасалардан биридир. Унинг жиҳозланганлик даражаси, хизмат кўрсатиш услуби, инновацион хизматлари сўнгги йилларда барчанинг эътиборини тортмоқда. Чакана хизматлари хусусида тўхталиб, айни пайтда 30 га яқин муддатли, жамғарма ва талаб қилиб олгунча бўлган жозибадор омонатлари амалда эканлигини таъкидлаш жоиздир. Уларга банкнинг биргина Андижон минтақавий филиали томонидан жалб қилинган бўш пул маблағлари қолдиғи 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 5 миллион 721 минг сўмни ташкил қилди. Шунингдек, мазкур филиал банкнинг бошқа ҳудудий бўлимлари орасида пластик карталар бўйича ҳам эмитент, ҳам эквайер сифатида муносиб ўрин тутмоқда. Ҳисобот даврида муомалага чиқарган пластик карталарини 2014 йилга нисбатан 137 фоизга, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатган терминаллари сонини эса 34 тага оширди. Юридик шахслар учун 35 дона, хусусий тадбиркорлар учун 26 дона онлайн тизимида ишлайдиган корпоратив карталарни эмиссия қилди. Вилоятнинг аҳоли гавжум жойларига бир нечта инфокиоск қурилмаларини ўрнатди. “Western Union”, “Leader”, “Money-Gram”, “Каспиян-МТ” каби пул ўтказмалари тизими орқали аҳолининг 7 042 281 АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларини ўз эгаларига етказиб берди.

Айтиш жоиз, “Алоқабанк”-нинг мазкур филиали, айниқса, вилоятдаги инвестиция дастурларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда. Эътиборлиси, иқтисодиётнинг турли тармоқларига кредитлар кўринишида жойлаштирилаётган ушбу банк сармоялари илдизи бақувват ниҳол каби қисқа фурсатларда ўз мевасини бермоқда. 2015 йил давомида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой коммунал хизматлари ва бошқа соҳаларга 16 миллион 542 минг сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам амалга оширилаётган ишларнинг салоҳияти юқорилигидан далолат беради. Ушбу жалб қилинган сармояларнинг қарийб 95 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил қилади. 66 фоизидан ортиғи эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган. Шу жумладан, 5 миллион 523 минг сўмдан ортиқ кредит маблағлари давлатимиз раҳбарининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросига мувофиқ, истеъмол бозорида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳисобига тўлдириш мақсадига йўналтирилди. Таъкидлаш ўринлики, ушбу банк кредитлари мақсадли ва самарали йўналтирилгани боис вилоятда 150 га яқин янги иш ўринлари яратилди.



– Бугунги дoруламон замонда иш билганга минг танга, – дейди “Алоқабанк”нинг Андижон минтақавий филиали мижози, “Олтинкўл парранда файз” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Зоҳиджон Хоринов. – 2009 йилдан буён ҳам фермер, ҳам тадбиркор сифатида фаолият юритиб, юқори натижага эришиб келаяпман. Дастлабки фаолиятимни 20 гектар ер майдонида паррандачилик, балиқчилик ҳамда мева етиштириш билан бошладим. Бунинг учун банкдан 445 миллион сўмлик кредит олганман. Ҳозирда жамоамиз билан вилоятдаги бюджет ташкилотлари (болалар боғчалари ва шифохоналар)га кунига 4 минг дона тухум етказиб бермоқдамиз. Жорий йилда ушбу йўналишда яна 2 та йирик лойиҳани амалга ошириш пайидамиз. Улардан бири вилоят дастурига киритилган паррандачилик хўжалигини кенгайтиришга доир истиқболли лойиҳадир. Бунда 400 миллион сўмлик маблағ ҳисобига 30 минг бош парранда (тухум ва парҳез гўшт) етиштириш йўлга қўйилади. Лойиҳанинг 50 фоизини банк томонидан молиялаштириш режалаштирилган. Навбатдаги лойиҳамиз хитойлик ҳамкорларимизнинг амалий-техникавий ҳамда “Алоқабанк”нинг молиявий кўмагида Марказий Осиёда ягона паррандачилик ускуналарини ишлаб чиқарувчи заводни қуриш билан боғлиқдир. Лойиҳанинг умумий миқдори 1 миллиард сўм бўлиб, унга банк томонидан 500 миллион сўмлик маблағ жалб қилиниши белгиланган. Бундан ташқари, хўжалигимиз қошида мева-сабзавотларни сақловчи 500 тонналик музлаткич (кредит ҳажми 200 миллион сўм) ташкил қилганмиз. “Самарқанд асл нафис чиннилари” корхонаси маҳсулотларининг улгуржи савдоси учун Андижонда диллерлик бўлимини (кредит ҳажми 300 миллион сўм) очганмиз.

Reklama o'rnida

Олтинкўл тумани аҳолисининг тўй-ҳашамлари учун замонавий шарт-шароитлар яратиш мақсадида 350 ўринли “Оқтепа тантаналари саройи” тўйхонасини ҳамда “Оқтепа” маҳалласи қошида 150 ўринли фахрийлар чойхонасини бунёд этдик. Мазкур безнес-режа ҳам “Алоқабанк” томонидан молиялаштирилиб, натижада 20 та иш ўрни яратилди.

**“Алоқабанк”нинг Андижон минтақавий филиали мижозлари орасида мана шундай катта ишнинг бошини тутган тадбирли тадбиркорлар талайгина. Банк жамоаси учун эса, уларнинг сони эмас, балки ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳаларининг самаралари муҳим саналади. Шундай экан, бундан кейин ҳам муассасанинг бутун фаолияти, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўз келажагини ўз қўли билан яратаётган бағрикенг халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз тараққиёти ва ободлиги йўлида олиб борилаётган эзгу ҳамда кенг қамровли ислоҳотларга қаратилаверади.**

**Банк матбуот хизмати**

## Турфа олам

### БАХТ ВАЗИРЛИГИ БОР МАМЛАКАТ

*Жуғрофий харитани қўлингизга олинг ва Бутан давлатини излаб топинг. Бу мамлакат бутун дунёга Бахт вазирлиги ишлаб турган давлат сифатида донг таратган. Ҳа, айнан шундай. Шу сабабли ҳам мамлакатда “ялпи ички маҳсулот” атамаси ўрнига “ялпи ички бахт” тушунчаси ишлатилади. Ҳар бир фуқаронинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш эса мамлакат миллий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу тамойил Конституцияда ҳам ўз аксини топган, шунингдек, 2008 йили ташкил этилган “Бутун халқ бахти учун комиссияси” фаолияти ҳам айнан шунга йўналтирилган. Дарвоқе, комиссияни бош вазирнинг ўзи бошқаради.*

*2005 йили ўтказилган сўровда мамлакат аҳолисининг 45 фоизи “жуда бахтлиман” деб, 51 фоизи “бахтлиман” деб, фақат 3,3 фоизи “унчалик бахтли эмасман” деб жавоб қайтарган.*

*Балки тасаввур этиш мушкулдир, аммо Бутан дунёдаги очлик, жиноятчилик нима эканлигини билмайдиган, халқи йўқчиликларга, урушларга дучор бўлмаган ягона мамлакат бўлиб қолмоқда. Бутанликларнинг ўзлари эса ғаройиб қадриятларини, маданий бойликларини кўз қорачиғидай асрайдиган халқ сифатида алоҳида тилга олинади.*

*Мамлакатда ҳайвонларни ўлдириш қонун йўли билан тақиқланган, шу сабабли аҳолининг аксарият қисми гўшт емайди. Шунингдек, давлат ҳудудига кимёвий ўғитлар олиб кириш ман этилади, шу сабабли бутун мамлакат табиати ва об-ҳавоси экологик жиҳатдан ўта тоза.*

### ҚЎРҚИНЧЛИ ФИЛЬМЛАР КЎРМАНГ

*Мутахассислар кўп йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, даҳшатли воқеаларга бой, қон дарё бўлиб оқадиган, одамлар пашшадай қирилиб кетадиган фильмларни кўриш чоғида томошабинларнинг қон ивиш даражаси 11 бирликка ошган. Олимлар хавфли вазиятларда организм қон йўқотишга мойил бўлишини аниқлашган, томоша пайтида юзага келган қўрқув-ваҳима эса мана шу жараёнга туртки вазифасини ўтайди.*

Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК

2016 йил — «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

## Инсон ўзинг...

Ҳамиша қаҳрамон бўлиш мумкин эмасдир, лекин ҳамиша инсон бўлиб қолиш мумкин.

И.ГЁТЕ

Олим, шоир, жангчи-ю, қонуншунос ва ҳоказо бўлиш яхши, лекин шулар баробарида инсон бўлмаслик ёмон.

В.БЕЛИНСКИЙ

Инсон бўлиш бу масъулият сезишингдир, ўзингга алоқасиздай туюлса ҳам қашшоқлик олдида андиша қилишингдир, дўстларинг эришган ҳар бир ғалабадан фахрланишингдир, ўз ғиштингни қуя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашаётганингни ҳис этишингдир.

А.СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ

Одамга буюклар олдида таъзим қилишгина эмас, балки улардан ўзиб кетишга интилиш ҳам хосдир.

В.МУХИНА

Ўзингда қандайдир ожизликни пайқаб қолдингми, сохтагарчилик ва муғамбирликни йиғиштириб қўйиб, тузалиш пайида бўл.

Э.ДЕЛАКРУА

Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши Бешариқ туман кенгаши раиси Бахтиёр Худойбердиевга волидаи муҳтарамаси

**Клара ХУДОЙБЕРДИЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Рашид МАТКУРБАНОВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Саодат Содиқова

Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй. info@adolatgzt.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200. Адади — 11971 Босишга топшириш вақти — 20.40 Босишга топширилди — 21.40

Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5